

---

## Ўзбекистон туманидаги кўп квартирали уйларнинг том қисмлари таъмирланди

Кўп квартирали уйларни замонавий архитектура талаблари асосида таъмирлаш, биринчи навбатда кўп квартирали уй-жойларда яшовчи аҳолига кўрсатиладиган хизматларни тубдан яхшилаш мақсадида, Фарғона вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан изчил сайи-ҳаракатлар олиб [борилмоқда](#).



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-5152-сонли қарори доирасида Ўзбекистон тумани Бодомзор кўчасидаги 47-сонли уйларнинг 916 кв.м том қисмлари мукамал таъмирланди.  
2021-12-29 14:32:06